



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

DETAILS OF COMMENTS ON ATVOQU-Z-ZAHAB FI-L-MAVO'IZ VA-L-KHUTAB

Mavzuna M. Sherova

Basic doctoral student

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: mavzunasmd@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Makhmud Zamakhshari, "Atvoqu-z-zahab fi-l-mawoiz wa-l-khutab", commentary, commentary, ethics, advice, advice, ideas.

Received: 07.04.22

Accepted: 09.04.22

Published: 11.04.22

Abstract: The article contains comments on the commentaries on Mahmud Zamakhshari's work "Atvoqu-z-zahab fi-l-mawoiz wa-l-khutab", the fact that the work has been studied by Western scholars, and the scope of the commentaries of the commentators. The preface of the commentary contains the views of the authors, examples from the interpreted articles, the impact of the basic work "Atvoqu-z-zahab" on the development of religious, moral, philosophical, literary direction, the views on the comments based on the work.

“АТВОҚУ-З-ЗАҲАБ ФИ-Л-МАВОЙЗ ВА-Л-ХУТАБ” АСАРИГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР ТАФСИЛОТИ

Мавзуна М. Шерова

Таянч докторант

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ташкент, Ўзбекистон

E-mail: mavzunasmd@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” асари, шарҳ, шорих, ахлоқ, панд насиҳат, ўғит, гоялар.

Аннотация: Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” асарига ёзилган шарҳлар хусусида мулоҳазалар, асарнинг Фарб олимлари томонидан ўрганилганлиги, шорихларнинг тафсир доираси юзасидан маълумотлар келтирилади. Шарҳ мұқаддимасида келтирилган муаллифларнинг нұқтаи назарлари, тафсир этилган мақолалардан мисоллар, таянч асар “Атвоқу-з-захаб” диний, ахлоқий, фалсафий, адабий йўналишнинг ривожига таъсири, асар асосида ёзилган шарҳларга оид қарашлар келтирилади.

ПОДРОБНОСТИ КОММЕНТАРИЙ ПО АТВОКУ-З-ЗАҲАБ ФИЛ-Л-МАВОИЗ ВА-Л-ХУТАБ

Мавзуна М. Шерова

Базовый докторант

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: mavzunasmd@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Маҳмуд Замахшари, произведения “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб”, комментатор, комментарий, этика, советы, идеи.

Аннотация: В статье приводятся комментарии к комментариям к труду Маҳмуда Замахшари “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб”, факт изучения произведения западными учеными, а также объем комментариев комментаторов. Предисловие комментария содержит взгляды авторов, примеры из интерпретируемых статей, влияние основного произведения “Атвоқу-з-захаб” на развитие религиозного, нравственного, философского, литературного направления, взгляды на комментарии, основанные на работе.

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарий асарларининг ёзилиш услуби, тили мураккаблиги олим илмий мероси билан қизиқкан ҳар бир шарқшуносга маълум. Унинг “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” асари насрый қофия – сажъ усулида ёзилганлиги боис шарҳ талаб намуналардан саналади. Қуйида жадвал тартибида “Атвоқу-з-заҳаб” асарига ёзилган шарҳлар хусусида маълумот ва мулоҳазалар келтирилади.

“Атвоқу-з-заҳаб фи-ل-мавоъиз ва-л-хутаб” (اطواق الذهب في الموعظ و الخطب) асар шарҳлари

№	Муаллиф/ миллати	Шарҳ номи	Асар тили	Матбааси	Сана	Саҳи фаси
1	Барбье Мейнард (француз)	كتاب اطواق الذهب في الموعظ و الخطب لlez مخسرى Les colliers d'or. Allogutions morales de Zamakhschari ("Олтин маржонлар. Замахшарийнинг ахлоқий ваъзлари")	француз	Paris “Imprimerie Nationale”	(мелодий) 1876 йил	223
2	Мирзо Иброҳим- хон Мастоуфий Аштиёнийнинг ўғли ибн Эътисом Малик (форс)	“Қалойиду-л-адаб фи шарҳ Атвоқу- з-заҳаб” قلائد الادب في شرح اطواق الذهب “Атвоқу-з-заҳаб шарҳидаги одоб дурдоналари”	араб	Миср “Тамад-дун”	(ҳижрий) 1321 йил	157
3	Шайх Юсуф ал- Асир (араб)	“Шарҳ Атвоқу-з- заҳаб фи-л- мавоъиз ва-л- хутаб” (شرح اطواق الذهب في الموعظ و الخطب) “Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар шарҳи”)	араб	Байрут “Жамъияту- л-фунун”	(ҳижрий) 1293 йил	72
4	Аҳмад Абдут- Таввоб Аваз	“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва- л-хутаб” – اطواق الذهب في الموعظ و الخطب “Ваъз ва хутбаларда олтин	араб	Қоҳира “Дорул фазилат”	2006 йил	202

	шодалар” таҳқиқи			
--	------------------	--	--	--

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий фаолияти Шарқ тадқиқотчилари томонидан ўрганилибина қолмай, Ғарб тадқиқотчилари томонидан ҳам катта қизиқиш билан кенг ва чуқур ўрганилган.

Ғарб олимларидан Йозеф Фон Ҳаммер, Гейнрих Леберехт Флайчер, Густав Вайл, Барбиер де Мейнард, Броккельман, Гибб, Крачковский, Белкин ва бошқалар Замахшарий шахсияти ва асарлари билан жиддий қизиққанлар. Француз шарқшуноси Б.Мейнард (1826/1908) томонидан битилган “Китаб Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб ли-з-Замахшарий – كتاب اطواق الذهب في الموعظ و الخطب للزمخشري” – “Les colliers d’or. Allegations morales de Zamakhschari” – “Олтин маржонлар. Замахшарийнинг ахлоқий ваъзлари” номли шарҳ Ғарб оламида ўз маҳбубларига эга бўлди. Адиб ўз тафсирида аввал асосий арабча матн Замахшарий нутқини, сўнг француз тилидаги кенг ва батафсил 223 саҳифадан иборат шарҳини ёзади. Шарҳ муқаддимаси 12 саҳифани ташкил этади.

Б. Мейнард шарҳ дебочасида Замахшарий ҳаёти, илмий фаолияти, таълимоти, дунёқараси, асарлари, “Атвоқу-з-заҳаб”нинг Шарқда машҳурлиги хусусида нуқтаи назарини келтириб ўтади. Масалан, асар муқаддимасидаги мулоҳазаларидан: “Адабиёт тарихчиларининг энг виждонлиси Ибн Халликон унга нисбатан (Замахшарийга) узоқ аммо тарихий фактлардан иборат мақола бағишлиайди: “ўз даврининг расмий ҳаётидан қочиб илм олишни шон-шарафдан афзал кўрган барча адиблар сингари “Олтин маржонлар. Замахшарийнинг ахлоқий ваъзлари” муаллифи ҳам ўз асарлари орқали авлодлар хотирасида яшайди”. Ибн Халликон сўзида давом этиб: “Бир зиёли киши Алепда менга қуйидаги мисраларни келтирас экан, Замахшарий уларни ўзининг қабрига ёзиб қўйишларини тавсия қилганини қўшимча қилди: “Қудратли Худо, мен бу ерда, ер бағрида Сенинг меҳмонинг бўлдим. Меҳмондорчилик ҳақлари саҳий Мезбон томонидан ҳурматга сазовор. Хуш келибсиз! Менинг гуноҳларимни кечир! Савоб буюк бўлади, лекин Сенинг Меҳмондўстлигингдан буюкроқ нима бор?”.

Мазкур мисралар Замахшарийнинг тақводор, диёнатли киши эканлигини ва шундай оила муҳитида камол топганини билдиради. Бу каби ҳислатларнинг мажмуасини унинг “Атвоқу-з-заҳаб” руҳида акс этганини кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, Б.Мейнард таъкидлаганидек, Замахшарий илмий мероси асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар томонидан диққатга сазовор бўлиб келмоқда. Шарҳ муқаддимасидан сўнг мақолалар кетма-кетлиқда баён қилинган, масалан: Биринчи мақола – (المقالة الاولى), французча

(Maxime I) тарзида бирдан то юзга қадар мақолалар рим рақами орқали берилади. Масалан: Биринчи мақола – Maxime I.

“Инсонни камбағаллик ва хорлик қадрини туширмайди, унинг илми ва тақвоси кўкларга кўтаради, бойлик эмас. Нопоклиги ва жаҳолати уни хор қиласа, бойлиги ҳам оиласи ҳам кўкларга кўтартмайди. Илм унинг учун ота. Унинг ташвиш ва фалокатларини тузатиш учун отадан ҳам ортикроқдир. Тақво эса она, онадан ҳам яхшироқ чунки тақво онадан кўра кўпроқ уни бағрига босади. Руҳингизни, қалбингизни илм ва тақво остига кўйинг ва қўлларингизни мустаҳкам бир-бирига боғланг...”

Б.Мейнард Замахшарийнинг юз мақоласини шу тарзда мулоҳазалари, қарашлари орқали кенгайтиради ва Ғарб оламига танитади. Шарҳ Канаданинг машҳур Торонто университети кутубхонасида №Z3414 рақами остида сақланади.

Асарга яна бир шарҳни XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган Мирзо Юсуфхон Эътисомий (1874-1936/37) битади. Эътисомий ўз шарҳини “Қалойиду-л-адаб фи шарҳ Атвоку-з-захаб” (قلائد الادب في شرح اطواق الذهب) деб номлади. Эътисомийнинг илмий фаолияти форс адабиёти билан чекланиб қолмайди, у араб адабиётида ҳам етарли ишларни амалга оширади. Юсуф Эътисомий форс адабиёти ва маданияти соҳасида самарали хизмат қилган адиблардан. Бироқ, адіб, таржимон, жамоат арбобининг илмий фаолияти етарлича ўрганилмаган. Бу маънода Эътисомийнинг араб тилида ёзган асарлари ҳамда Европа тилларидан қилган таржималари уни араб дунёсида ҳам машҳур бўлишига замин яратган.

اطواق الذهب في المواقع و (الخطب) – “Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари” (Угит va nasihatlarning oltin shodalari) асарини шарҳлашда Замахшарий мақолаларида баён этган маърифий, ахлоқий мунозара ва фикрлар ҳақида бошқаларнинг қарашларини ва фойдаланган манбаларни ҳам зикр этган. Жумлалар ифодаланишининг ўзига хослиги бобида ўқувчи тушуниши енгил, соддалик билан илғаб олиши учун мантиқий ва фалсафий, тафсир қилиниши мушкул бўлган фикрларни умумлаштирган. Шарҳ ахлоқ, ҳукм, тафсир бўйича юз мақолани ўз ичига олувчи мустақил асар бўлиб, у Эътисомийнинг дастлабки илмий фаолиятидир. Шорих асаддаги мураккаб ибораларни ўз сўзлари билан қисқа шарҳларда мисоллар келтирган ҳолда ҳикматли сўз ва иборалар, бадиий санъатнинг ташбех, талмех, айrim ўринларда муболага каби жанрлари орқали ўз тафсирини баён этган. У мақолаларни Куръони карим оятлари, қадимги араб адиблари, донишмандлар, ўз даври адабиёт вакилларининг сўзлари, сўз усталари, ёзувчи, шоирларнинг турли мавзулардаги шеър ва ибораларидан фойдаланган: Қутайба, Марвон

ибн Ҳакам, Сайфий, Шаъбий, Абул Фатҳ Бастий, Бузуржмехр (Бузургмехр) каби донишманд, ёзувчилар шулар жумласидан.

Эътисомий асардаги биринчи мақолани қуидагича тафсирлайди: “Агар инсон одоб билан, илм билан, дин билан ва мақтовга арзигулик ҳислатлар билан зийнатланса, у инсоннинг етимлиги шаънини пасайтиrmайди. Отасиз киши бу етим эмас, балки илмсиз, одобсиз колган киши бу ҳақиқий етимдир дейди. Одобсиз киши асбоб ускунасиз, қуролсиз бир шахс бўлиб, руҳсиз жасад кабидир. Абдулмалик ибн Марвон фарзандларига: “одобли бўлинглар, одобли бўлсангиз агар сиз подшоҳ бўлсангиз сизга итоат қилишади, агар ўртacha бўлсангиз ўша одоб билан олий бўласиз, агар яшашга эҳтиёжингиз бўлса шу тарзда яшайсизлар. Шаъбийнинг айтишича, “одоб бу энг яхши жавҳардир, одобни кийим қилиб кийинглар, зийнат қилиб безанинглар, чунки у факирнинг молидир, бойнинг жамолидир, ҳакимнинг камолидир” дейди. Одоб бу ҳусни хулқ бўлганда ҳам ҳалқ билан, одамлар билан гўзал хулқда бўлишлик, инсон зоти билан чиройли, латиф, юмшоқ муомалада бўлишликдир дейди. Фикрнинг янада фойдалариқ бўлиши учун шу ўринда Иброҳимбек Рамзийнинг “Исломда аёл” номли журналининг биринчи сонида келтирган фаслини келтириб ўтамиз дейди: бу киши одобнинг маъносини аниқ, равшан қилиб қуидаги матни билан ифодалаган: “Ҳақиқатдан Аллоҳ инсонни, ҳайвонлардан ажратиб турадиган ақли билан яратди ва уни инсонлар билан муомала қилишга муҳтож қилиб қўйди, унинг ўзидан бошқага эҳтиёж сезиши зарурий ва табиийдир. Инсон ўзига қандай муомала қилишликни яхши кўрса ўзгаларга ҳам тўғри, гўзал йўл тутиб, одоб билан муомала қилишликни тақазо қилиши зарур.

Муаллиф шу каби ҳикматли сўзларни келтиrap экан, одоб ҳақида қанча таъриф берилмасин оз эканлигини аслида одобнинг маъносини англаш муҳимлигини эътироф этади. Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” асари таъсирида ёзилган шарҳ ҳам мустақил асар саналиб, ахлоқий, адабий, фалсафий йўналиш ривожига таъсирини кўрсатади. “Қалойиду-л-адаб”нинг бир нусхаси ҳозирги кунда Ислом Шўро Кенгаши кутубхонасида, бир нусхаси Истамбулнинг Сулаймония кутубхонасида (Исмоил Ҳакки Бей томонидан 1921 йилда хадя қилинганд). Шунингдек, тошбосма нусхаси ЎзРес ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг асосий фондида №.18953 инвентарь рақами остида сақланади.

Шайх Юсуф ал-Асир томонидан ҳам “Шарҳ Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар шарҳи”) номли шарҳ ёзилди. Мазкур шарҳ 72 саҳифадан иборат, ҳижрий 1293 йили Байрутда “Жамъияту-л-фунун” матбаасида

нашрдан чиққан. Асар араб тилида ёзилган адабий шарҳ бўлиб, ундаги маъвизалар, насиҳатлар, ҳикматли сўзлар ва мукаммал хулқлар борасидаги фикрлар юз мақолада ўз ифодасини топган. Юсуф ал-Асирнинг шарҳи Мирзо Юсуфхоннинг “Қалойиду-л-адаб фи шарҳ Атвоқу-з-заҳаб” шарҳи билан ҳамоҳанг, аралаш ҳолда ёзилган.

Аҳмад Абду-т-Таввоб Аваз томонидан “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” – (اطوّاق الذّهّب في المّواعظ و الخطّب “Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”) номли 202 саҳифадан иборат шарҳ ёзилди. Мазкур таҳқиқнинг кўплаб замонавий нашрлари чоп этилган бўлиб, тадқиқотда 2006 йили Қоҳиранинг “Дору-л-Фозила” нашриётида чоп этилган нусхасидан фойдаланилди. Ношири Муҳаммад Юсуф ал-Қозий.

Асардаги ўғитлар инсонни комиллик сари чорлайди, унга ёзилган шарҳлар, таҳқиқу тафсирлар эса унинг илмий, ахлоқий аҳамияти юксаклигидандир. Аҳмад Абду-т-Таввоб Аваз “Атвоқу-з-заҳаб”ни шарҳлашда унинг бир қанча нусхаларидан фойдаланганини абжад тартибида алоҳида кўрсатиб ўтади. “Китобни таҳқиқ қилишда фойдаланилган нусхалар: бу китобни таҳқиқ қилишда 4 та нусхадан фойдаландим. Уларни изоҳлашда эса د ج ب ا : абжад ҳарфларидан фойдаландим: Биринчи нусха (ج): бу нусха “Дору-л-кутубу-л-Мисрий”да №2059 рақам остида №32506 рақам билан сақланган. 20 вароқ (40 саҳифа) дан иборат... Бу нусха бошқаларидан мақола ададлари ва тартиби жиҳатидан фарқ қиласди. Айрим мақолалар қўшиб ёзилганлиги сабабли, уларнинг сони 91 та. Бунга ўз ўрнида ишора қилдим. Иккинчи нусха (ب): бу жуда гўзал ёзув билан ёзилган янги нусха бўлиб, унда чалкашлик, ноаниқлик йўқ, у 32 вароқ ва 70 саҳифадан иборат, №3983 рақам остида №31843 рақам билан сақланмоқда. Унда Саид Саъдий хати билан ёзилган 100 мақола мавжуд, ҳижрий 1313 йили, шавволнинг 28 куни тугатилган. Учинчи нусха (ج): бу нусха “Дору-л-кутубу-л-Мисрий”да 20 саҳифа, 10 вароқдан иборат бўлиб №5108 рақами остида №32205 рақам билан сақланмоқда. Бу нусхада 2 та мақола бир-бирига қўшилгани учун, мақолалар сони 99 та. Тўртинчи нусха (د): бу нусха “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” унвони билан нашр қилинган. Уни Муҳаммад Саид ар-Рофеий (Мактабату-л-Азҳарий эгаси) “Ас-Саодат” нашриётида 1328 йилда нашр эттирган иккинчи нусхага жуда яқин нусхада ёзилган. 100 мақоладан иборат. Мен бу нусхадан жуда катта манфаат олдим”.

ХУЛОСА

Асарга ёзилган шарҳлар юзасидан қуйидаги хуносага келинди: Француз шарқшуноси Б.Мейнард томонидан ёзилган шарҳ гарчанд асосий матндан узоқлашилган

ўринлари бўлса-да, шарҳда асосий асар “Атвоқу-з-заҳаб” руҳи, умуман олганда маърифат, эзгулик сари етакловчи ўгитлар сақланиб қолганлиги кузатилади. Мирзо Юсуфхон Эътисомий шарҳида эса адаб нафақат мақолаларни шарҳлаган, балки кўп ўринларда мақолалар бўйича ўз тафсирини ҳам баён этган. Қуръони карим оятлари, халқ донишмандлари, қадимги ва ҳозирги-замонавий араб адибларининг ҳикматли сўзлари билан шарҳни бойитган. Шайх Юсуф ал-Асир томонидан ёзилган шарҳ эса, адабий шарҳ бўлиб, шорих ўз шарҳига Эътисомий шарҳини бириктиради ва ҳар икки шарҳни баён этади.

Дин – насиҳатдир, дидактик руҳда ёзилган, ахлоқий, ижтимоий ҳаёт унсурларини ўзида акс эттирган мазкур асар инсон маънавий-маърифий дунёсини бойишига хизмат қилувчи насиҳатомуз манбалардандир. Жамиятда, киши турмуш тарзида шундай иллатлар мавжудки, бу иллатлар нафақат бир шахсни, балки миллатнинг тараққий этиб, камол топишига тўсқин бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Замахшарий “Атвоқу-з-заҳаб” асарини Каъбатуллоҳни ҳар бир тавоғидан сўнг бир мақолани ёзар экан, ундаги эзгуликка ундов, чақириқ, баъзан талаб даражасидаги ўгитлари ана шундай иллатларни бартараф этишга хизмат қиласи. Замахшарий мазкур асари муборак масканнинг илоҳий тафтини ҳис этиш аносисида ёзганлиги, ҳикматлари диний илмни ўзида мужассам этгани боис, ҳанузгача илмийлигини, долзарблигини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. كتاب اطواق الذهب في الموعظ و الخطب للزمخشري Les colliers d'or. Allogutions morales de Zamakhschari. C.Barbier de Meynard. Paris. Imprimerie nationale. M.DGGG LXXVI. 1876. C.VI.

2. Исломов.З.М. “Олтин шодалар” ва унинг эзизаклари // Ҳидоят. —Тошкент, 2019. — № 1. – Б.22.

3.И.М.Бабаназаров “Маҳмуд Замахшарийнинг маънавий меросига муносабатлар ёхуд “Атвоқуз заҳаб”ни ўрганган ғарблик олим // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISS: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. – P. 458.

4. محمود بن اطواق الذهب في الموعظ و الخطب الدر الفظيّة للزمخشري جار الله بن محمد الخوارزمي ص3 .احمد عبدالتواب عوض . :عمر

5. Sherova M. "About the commentary on the work" Atvoqu-z-zahab fi l-mawoiz wa-l-kutub"// Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanitie. Published: ISSN: 2249-7315 Vol. 11, Issue 11, November 2021 SJIF 2021| Page: 573.

6. Шерова М. Атвоқу-з-заҳаб фи-л-маваъиз ва-л-хутаб асарининг шархи хусусида//“Ўзбекистонда диний-маърифий соҳа ривожи ва истиқболли режалар” мавзусида ёш олимлар, тадқиқотчиларнинг республика илмий тўплами – Тошкент, 2022. – Б.Б. 122-123.

ناصر حسنى نيا. اعتصام الملك (اعتصاهى) به دو ادب فارسى و . ص.12. 7.www.jalit.ut.ac.ir
عربى. قزوینم 2013

8. suleymaniye@yek.gov.tr

9. www.zaza@alwarraq.com.

10. يوسف خان ابن ا عتصام الملك قلائد الادب فى شرح اطواق الذهب تمدن مصر سنة 1321

11. مؤسسة الفكر اللبناني في جامعة سيدة الloriz، زوق مصبح – لبنان مؤلفات الشيخ يوسف الأسير